



Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази

**Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички
имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг
илмий-методик асослари
илмий мақолалар тўплами**

2-ҚИСМ

Тошкент–2017



| | |
|---|-----|
| секторов экономики..... | 107 |
| Хасанов Ш.Ш. Взаимосвязь изменения макроэкономических условий и состояния банковских балансов – методические вопросы..... | 111 |
| Яхёева Г.А. Вопросы оценки взаимосвязи финансового и реального секторов экономики..... | 116 |
| Джалилов А.А. Молия секторини реал сектор билан ўзаро алоқадорлигини баҳолаш индикаторлари таҳлили..... | 120 |
| Назруллаев Н.С. Молиявий воситачилик фаолиятини ривожлантиришга бўлган илмий ва амалий қарашлар..... | 124 |
| Абдуллаев Б.Р. Пути решения проблем с обеспечением ликвидности банковского сектора в Узбекистане..... | 128 |
| 4-секция. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш учун табиий ресурслар салоҳиятини аниқлаш бўйича илмий-методик ёндашувлар | |
| Беркинов Б.Б. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишининг ишлаб чиқариш ва институционал омилларини баҳолаш..... | 136 |
| Қодиров А.М., Убайдуллаев Д. Иқтисодийни модернизациялаш ва унинг саноат корхоналарида инновацион жараёнларни ривожлантириш билан ўзаро боғлиқлиги..... | 143 |
| Ташматов Р.Х. Ер ресурслардан унумли фойдаланишнинг хорижий тажрибаси | 151 |
| Шодмонова Г., Раҳманкулова Б. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва ривожлантириш йўллари..... | 156 |
| Хатамов О.К., Хасанов А.А. Моделирование расчета потребности в нефтепродуктов для транспортных работ фермерских хозяйств..... | 160 |
| Хотамов И.С., Хидиров Т.Қ. Ўзбекистон агросаноат мажмуасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш | 166 |
| Ишмухамедова Л.А. Методические основы обеспечения местного населения продовольствием..... | 172 |
| Абдуллаева М.К. Абдуллаева Р.Г. Аграр соҳани ривожлантириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни асосий жиҳатлари..... | 177 |
| Кадыров Т.А. Теоретические основы рационального размещения сельскохозяйственного производства | 182 |
| Тавакалов Ж.Т. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқаларнинг тутган ўрни..... | 185 |
| Tursunov B.O. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlovchi korxonalar quvvatidan samarali foydalanish yo'llari..... | 191 |
| Жанназарова Г.К., Джумаева С.К. Республика иқтисодийни модернизациялашда аграр секторни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари... .. | 164 |
| Ражабов Ф.Т. Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва уни такомиллаштиришнинг ҳудудий масалалари..... | 197 |
| Хатамов О.Қ., Намозов Ғ.Ш. Ахборот-маслаҳат хизматининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ўрни..... | 203 |
| Абдуғаниев О.А. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омиллари..... | 208 |
| Хасанов А.А., Қулматова С.С. Фермер хўжалиklarининг моддий техника ресурсларига эҳтиёжини аниқлашда ишлаб чиқариш функциялари..... | 212 |



Хасанов Абрай Аллаярович -
Термиз Давлат Университети,
катта ўқитувчи
Қулматова Сайёра Сафаровна-
Термиз Давлат Университети,
ўқитувчи

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖИНИ АНИҚЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФУНКЦИЯЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада фермер хўжалиklarининг моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжни башоратлашда ишлаб чиқариш функцияларидан фойдаланиш услубияти қараб чиқилган, кўп омилли ишлаб чиқариш функцияларини тузиш жараёнида таъсир этувчи ва натижавий кўрсаткичлар сифатида танланадиган катталиклар таҳлил этилган, ишлаб чиқариш функцияларини танлаш механизми ёритилган.

Таянч тушунчалар: фермер хўжалиklари, моддий-техника ресурслари, ишлаб чиқариш функцияси, математик моделлаштириш, эмпирик қатор.

Ҳар қанлай иқтисодий тизимнинг асосий фаолиятларидан бири моддий бойликларни ишлаб чиқаришдир ва унинг асосий тизимчаларидан бири ишлаб чиқариши тизими ҳисобланади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ўз асосида инсонларнинг мақсадга йўналтирилган фаолиятини тасвирлаб, унда меҳнат восита ва моддий-техника ресурслари ёрдамида қатор усул ва услублардан фойдаланган ҳолда бирламчи ресурсларни истеъмолга тайёр маҳсулотга айлантиради.

Агар фермер хўжалиklари ишлаб чиқаришида моддий-техника ресурслари бир қанча кўрсаткичлар билан тавсифланса, у ердаги агротехник технология ҳақиқий ишлаб чиқариш жараёнини тасвирлаб, ўзининг кириш координаталари сифатида моддий-техника ресурслари қиймати ва ходимлар сонини қабул қилади, чиқиш координаталари бўлиб, етиштирилган маҳсулот ҳажми баҳоси ҳисобланади. Ушбу ишлаб чиқариш комплекси, айрим олинган фермер хўжалиги, қишлоқ хўжалиги тармоғи ёки бутун бир миллий иқтисодиётнинг кириш ва чиқишлари ўртасидаги миқдорий алоқа тадқиқ этилаётган ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий-математик моделини аниқлаб, уни ишлаб чиқариш функциялари деб ҳам аташади.

Маълумки, ишлаб чиқариш функциялари турли соҳаларда қўлланилиши мумкин. Сабаби “харажатлар - ишлаб чиқариш” тамойили нафақат микроиқтисодиётда, балки макроиқтисодий даражада ҳам ишлатилади. Бизга маълумки, микроиқтисодий даражада харажат ва ишлаб чиқариш ҳажми одатда натура ёки қиймат кўрсаткичларда ўлчанади ва қиймат агрегатларини тасвирлайди, яъни кўп ўзгарувчилар ишлаб чиқариш функцияси (ИЧФ) – бу шундай функцияки, бунда эркин ўзгарувчи- $x_1, \dots, x_2, \dots, x_n$ лар сарфланадиган ёки ишлатиладиган моддий-техника ресурслар ҳажмларини, функция қиймати ишлаб чиқариш ҳажми, жумладан, фермер хўжалиklарида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини қабул қилади.

$$y = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$$

$y (y \geq 0)$ - скаляр, x - вектор катталиқ, x_1, x_2, \dots, x_n лар x вектор координаталари, яъни $f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ бир қанча ўзгарувчилар x_1, x_2, \dots, x_n нинг сонли функцияси. Шунинг учун



хам $f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ ИЧФни кўп ресурсли ёки кўп омилли ишлаб чиқариш функцияси дейилади.

Иқтисодий мазмунига кўра $x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, \dots, x_n \geq 0$ бўлиб, кўп омилли ИЧФ $f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ нинг аниқлаш соҳаси барча координаталари x_1, x_2, \dots, x_n номанфий сон бўлган n -ўлчовли x векторлар тўпламидир. Яъни, математик моделлаштириш усуллари прогнозлаштириш ва режалаштириш жараёнида тадқиқ этилаётган иқтисодий жараён (объект)ни математик боғлиқликлар ва ифодалар билан формал ҳолда ёзилган турли иқтисодий-математик моделлар билан тасвирлашни кўзда тутди.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, ИЧФ тадқиқ этилаётган фермер хўжалиги ёки уларнинг гуруҳи кириш ва чиқишлари ўртасидаги қонуний, нисбатан турғун миқдорий алоқани ўрнатади. Янада бошқача айтсак, ишлаб чиқариш функцияси - бу шундай функцияки, боғлиқсиз ўзгарувчиси сарфланадиган ёки ишлатиладиган моддий-техника ресурслар (ишлаб чиқариш омили) ҳажми қийматини ва боғлиқли ўзгарувчиси - етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми қийматини қабул қилади.

Умуман, айтганда ҳар қандай ИЧФлари кўрсаткичлар тизими билан характерланади. Кўрсаткичлар иқтисодий категория, жараён ёки ҳолатининг миқдорий ифодаси ҳисобланади. Одатда, кўрсаткичлар тизимига меъёрий ва лимит кўрсаткичлар ҳам киритилади. Меъёрий кўрсаткичлар - нисбий ифодадир. Лимит кўрсаткичлар - якуний натижага эришиш учун сарфланадиган моддий-техника ресурсларининг мумкин бўлган чегаравий миқдоридир.

Одатда, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаштиришда кўрсаткичларнинг асосий блокини ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат ресурслари, асосий ва айланма фондлари, капитал қўйилма, табиий ресурслар, илмий-техник тараққиёт, молиявий ва пул айланмаси, ижтимоий тараққиёт ва аҳоли яшаш даражаси, ташқи иқтисодий адоқалар кўрсаткичлари ташкил этади. Иқтисодиётни бошқариш даражасига қараб кўрсаткичлар макроиқтисодий кўрсаткичлар, тармоқ кўрсаткичлари ва минтақавий кўрсаткичлар бўлинади. Айрим кўрсаткичлардан бошқаришнинг барча бўғинларида фойдаланилади. Масалан, материал сиғимлилик, меҳнат унумдорлиги ва ҳақоза. Бошқа кўрсаткичлар тармоқ, минтақа хусусиятларини ифодалайди.


Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнининг асосий кўрсаткичлари бўлиб, етиштирилган маҳсулот ҳажми, ишлатиладиган моддий-техника ресурслар, технология тавсифи ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Самарадорлик кўрсаткичи етиштирилган маҳсулот ҳажми тузилиши ва сифатини бошқа шунга ўхшаш ресурсдан фойдаланилгандагиси билан таққослаш орқали аниқланади. Ушбулар фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнининг бирламчи тавсифларидир, яъни етиштирилган маҳсулот ва сарфланган ресурсларнинг натурал кўрсаткичлари меъёр ва меъёрий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда бирламчи маълумотлар устида содда арифметик амаллар ёрдамида ҳисобланувчи тузилмавий, ҳажмий ва сифатий кўрсаткичлардир. Мазкур кўрсаткичлар ишлаб чиқаришни бир даврда - йил, чорак, ойда тавсифлайди. Бошқа бир гуруҳни эса ишлаб чиқариш жараёнининг ўсиш ва суръат кўрсаткичлари ташкил этиб, биринчи гуруҳ кўрсаткичлари ёрдамида ҳисобланади. Масалан, маҳсулот етиштиришнинг абсолют ўсиши бирлик асоси фондга тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши, ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсиш суръати ва ҳақозоларни келтириш мумкин. Учинчи гуруҳ кўрсаткичлари эса иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар ёрдамида топилади. Масалан, меҳнат унумдорлигининг йиллик ўсиш суръати ва ҳ.к.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми, моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжи ва улар билан ўзаро боғлиқ бўлган юқоридаги



кўрсаткичларни маълумотларнинг динамик қаторларига асосан прогнослаштиришда эса математик экстраполяция усули кенг қўлланилади. Математика мазмунига кўра y функция қиймати ўзгариши қонунини унинг кузатиш соҳасидан, кузатиш оралиғидан ташқарида ётувчи соҳага тарқатишдир. Вақтга боғлиқ қандайдир функция кўринишида ёзилган тенденция тренд дейилади. Тренд - бу иқтисодий кўрсаткич ўзгаришининг узоқ муддатдаги тенденцияси. Функция эса тадқиқ этилаётган ходисанинг содда иқтисодий-статистик (трендли) моделидир²³⁸.

Трендни экстраполяциянинг асосий босқичи эмпирик қаторни тасвирловчи оптимал функция кўринишини танлашдир. Функцияни танлаш масаласи амалдаги (x_i, y_i) маълумотлар асосида боғлиқлик (чизиқ) шаклини шундай танлаш керакки, бирламчи қатор маълумотлари (y_i) дан чизиқда ётган мос ҳисоблаш натижалари (\hat{y}_i) четланиши (Δ) энг кам бўлиши зарурлигидан иборат (расм).



Манба: муаллифлар томонидан тузилган

Расм. Эмпирик қаторни тасвирловчи оптимал функция

ИЧФ динамик дейилади, агар: 1) вақт ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи мустақил ўзгарувчи сифатида ишлаб чиқариш функциясида қатнашса; 2) ишлаб чиқариш функцияси параметрлари ва унинг тавсифи f вақт t га боғлиқ бўлса.

Аmmo бунда бир жиҳатни унутмаслик керак, яъни агар ИЧФ параметрлари T_0 вақт давомийлигидаги динамик қатор (моддий-техника ресурслари ва етиштирилган маҳсулот ҳажми) маълумотлари бўйича баҳоланса, бундай ИЧФ бўйича экстраполяция (прогноз) ҳисоблари $\frac{T_0}{3}$ йилдан ошмаган давр учун олдга бажарилиши мумкин (яъни, экстраполяция оралиғи $\frac{T_0}{3}$ йилдан ошмаган давомийликка эга бўлади).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Холиқулов А.Н. Иқтисодий таҳлил. Дарслик. Т.: ТДИУ ва СамИСИ, 2011. - 239 бет.
2. Беркинов Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. Под.ред. академика В. К Кабулова –Ташкент: Фан, 1990.-128 с.
3. Федорова Л.И., Шубникова А.К. Методы определения потребности в материальных ресурсах.-М.: Экономика, 1972. – 61 с.

²³⁸ Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Холиқулов А.Н. Иқтисодий таҳлил. Дарслик. Т.: ТДИУ ва СамИСИ, 2011. - 239 бет.

